

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АВИАЦИЯ ИНЖИНИРИНГИ
йўналиши**

**“АВИАЦИЯ ИНЖИНИРИНГИ
ЙЎНАЛИШИ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АВИАЦИЯ ИНЖИНИРИНГИ
йўналиши**

**“АВИАЦИЯ ИНЖИНИРИНГИ ЙЎНАЛИШИ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: т.ф.д., профессор Шамсиев З.З.

Тошкент -2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДТУ, т.ф.д., профессор З.З Шамсиев.

Такризчи: Берлин техника университети хузуридаги
ЕСМ-Offise директори Dr. Arnold Strenharz .

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2016 йил _____даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.Ишчи дастур.....	5
II.Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интрефаол таълим методлари.....	10
III.Назарий материаллар.....	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	52
V. Кейслар банки.....	57
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	59
VII. Глоссарий	61
VIII. Адабиётлар рўйхати.....	62

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ушбу дастурда педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган илғор хориж тажрибалар ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш масалалари ёритилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Авиация инжиниеринги” йўналиши фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар модулининг мақсади: тингловчиларда етакчи хорижий университетларининг ўқитиши жараёнини ташкил этишда қўлга киритилган илғор таржбаларини инобатга олган ҳолда авиация мутахассислиги фанларининг ўқув жараёнларини ташкил этишга оид назарий билимлар ва амалий кўникмалар шакллантириш.

“Авиация инжиниеринги” йўналиши фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар модулининг вазифаси:

- профессор-ўқитувчиларни илғор хорижий давлатларида қабул қилинган таълим тизими;
- авиация мутахассиларига келажак фаолиятлари учун энг зарур бўлган назарий ва амалий билимлар таркиби ва сифатига қўйилидаган талаблар;
- тингловчиларнинг назарий билимларини амалиётга боғлаш шакллари;
- тингловчиларнинг келажакда меҳнат бозорида юқори даражада рақоботли бўлишлари учун мутахассисликка оид бўлган зарур психологик билимларни шакллантириш чора-тадбирлари билан таништириш.

Модул бўйича талабаларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Авиация инжиниеринги” йўналиши фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- етакчи хорижий давлатларнинг таълим тизими, уларни ташкил қилиш, ва мавжуд таълим тизимлари орасидаги таффовутлар;

- авиаация соҳасига тайёргарлик кўраётган тингловчиларга бериладиган назарий ва амалий билимлар таркиби ва сифатига қўйиладиган талаблар;
- талабаларнинг назарий билимларини маҳсус амалиёт жараёнига боғлаш усуллари ҳақида **билимларни эгаллаши**;

Тингловчи:

- етакчи хорижий давлатларнинг тизимиға тегишли илғор усул ва услугубарни Ўзбекистон таълим тизимиға жорий қилиш;
- хорижий талабаларининг меҳнат бозорида ўз жойини топиш учун тайёргарлик кўриш услуги асосида Ўзбекистон талабаларида ижобий психологик тайёргарликни шакллантириш;
- талабаларда олган назарий ва амалий билимларини меҳнат бозорида самарали тақдим этиш қоидаларини шакллантириш **қўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- етакчи хорижий университетларининг таълим жараёнини ташкил этишдаги самарали усул ва ёндашувлар ва қўлга киритган ютуқларини Ўзбекистон таълим тизимиға жорий қилиш;
- талабаларга меҳнат бозорига мос келадиган илғор назарий ва амалий билим бериш;
- талабаларни келажак фаолиятига ижобий тус берадиган психологик фазилатлар шакллантириш компетенцияларни эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

"Авиация инжиниеринги" йўналиши фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидақтик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

"Авиация инжиниеринги" йўналиши фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар" модули ўқув режанинг қуйидаги фанлари билан боғлиқ: "Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик", "Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш", "Авиация соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари".

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасида Европа (Airbus Industrie) ва АҚШ (Boeing) авиация компанияларида ишлаб чиқарилаётган замонавий ҳаво кемаларини экспулатация қилиш долзарб ёндошув деб топилган, чунки мазкур давлатларнинг ҳаво кемалари жаҳоннинг барча худудларида ишлатиб келинмоқда. Бу эса барча хорижий давлатларининг фуқаро авиация тузилмаларида Airbus Industrie ва Boeing ҳаво кемаларини ишлатиш учун инфраструктура тизими мукаммал ташкил этилган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компаниясининг йўловчи ва юк ташувчи ҳаво кемалари барча давлатларнинг аэропортларига қўниш ва у ерда керакли техник хизматидан фойдаланиш имконига эга. Ушбу вазиятни инобатга олган холда келажак авиация мутахассисларини етакчи хорижий давлатларида авиация соҳасига мутахассисларни тайёрлаш борасида қўлга киритган илғор тажрибасини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон таълим жараёнига жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда.

V. Модул бўйича соатлар тақсимоти

		Талабанинг ўқув юкламаси, соат						
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустакил таълим	
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
Модул мавзулари								
1.	Кириш, етакчи хорижий давлатларининг авиация соҳасидаги илғор таълим тажрибалари.	4	2	2	-	2		
2.	Талабаларнинг назарий билимларини амалиётга боғлаш йўллари.	2	2	2	-			
3	Етакчи хорижий давлатлар таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаш.	2	2	2				
4	“Университет-талаба-меҳнат бозори” модели.	2	2	2				

5	Келажак мутахассисларнинг меҳнат бозорида ракобатдошлиги.	4	4		4		
	Жами:	14	12	4	8	-	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Кириш. Етакчи хорижий давлатларининг авиация соҳасидаги илғор таълим тажрибалари

АҚШ, Европа, Япония ва Жанубий Корея давлатларида қабул этилган таълим тизимларининг ўзига хос кўрсаткичлари. Мазкур давлатларнинг таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаш. Ҳозирги кунда танилган илғор авиация таълим ўқув юртлари, уларда таълим жараёнини ташкил этилиши, ўқитиш шакллари, ўқув-услубий мажмуаларни тузиш, дарсликларнинг мавзуй ва мазмунан тузилиш хоссалари. талабаларнинг билимини баҳолаш тизими.

2-мавзу: Талабаларнинг назарий билимларини амалиётга боғлаш йўллари

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларининг тузилмасини шакллантириш. Махсус билим таркиби ва мазмунига иш берувчиларнинг талаби. Меҳнат бозорининг таълим соҳасидаги ўрни. Меҳнат бозорида юқори танлов натижаларига эга бўлиш учун талабаларни психологик тайёрлаш. Ёш мутахассисларнинг келажак иш фаолиятини ташкил қилиш психологиясида маҳсус фанлардан олган билимларни тақдим эта билиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

1-амалий машғулот:

Етакчи хорижий давлатлар таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаш

АҚШ, Англия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Хитой ва Япония давлатларининг таълим тизимининг таҳлили. Хорижий давлатлар таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаш. Илғор давлатларнинг таълим тизимини таҳлил қилиш, улардаги ижобий хоссаларни аниқлаш. Ўзбекистон таълим тизиминиг ўқитиш жараёнига киритиш йўллари.

2-амалий машғулот:

“Университет-талаба-меҳнат бозори” модели

“Университет-меҳнат бозори” моделининг принциплари. “Университет-талаба” моделининг принциплари. “Талаба-меҳнат бозори” моделининг принциплари. Етакчи хорижий далатлар университетларининг меҳнат бозори, талабалар билан олиб борадиган ҳамкорлик фаолияти. Талабаларни мустақил равишда меҳнат бозори билан иш юритиши.

З-амалий машғулот:

Келажак мутахассисларнинг меҳнат бозорида рақоботдошлиги

Махсус билим ва меҳнат бозори. Махсус билимларни тақдим қила билиш. Меҳнат бозорининг талабига мос фанларни ва талабаларнинг йиллар давомида фанлар турига кўрсатган қизиқишини ўрганганд ҳолда ўқув режани мукамаллаштириш. Талабаларда мавжуд махсус билимларни самарали кўрсата билиш қобилятини махсус фанларни ўқитиш жараёнида шакллантириш.

Таълимни ташкил этиш шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари аник ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро харакатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиш жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- мустақил таълим.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурӯҳли (кичик гурӯҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гурӯҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гурӯҳларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурӯҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гурӯҳни кичик гурӯҳларга, жуфтликларга ва гурӯҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гурӯҳли иш* ўқув гурӯҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади. *Табақалашган гурӯҳли иш* гурӯҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида-алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Баллар	Максимал балл
1	Кейс	1.5 балл	
2	Мустақил иш	1 балл	2.5

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

МАЪРУЗАНИНГ ИНТЕРФАОЛ ШАКЛЛАРИ

Муаммоли маъруза: Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди.

Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.

Визуал маъруза: Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аник ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган.

Педагог вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.

Маъруза конференция: Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга якун ясад, тўлдириб, аниқлаштириб хуоса киласи. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.

Маслаҳат маъруза: Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод қатнашчиларни мавзуу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзуу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки груухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай холатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фаркларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Методнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши
Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўши мча маълумот
Виртуаль университет	Университет ва коллежларнинг бирлашмаси (АҚШ), интеграциялашган ўқув режалари асосида бир вақтнинг ўзида бир неча ўқув юртларида таҳсил олиш имкониятини берувчи таълим муассасалари	
Ҳамкорликда ўқитиш	Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот, шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш асосидаги гурухий ўқитиш шакли	
“Soft Skills”	Мехнат бозорида билим ва компентентлик даражаларини кўрсатишда иш берувчи билан олиб бориладига муомола қоидалари	
“Hard skills”	Касб юзасидан мукаммал ўзлаштирилган қўнималар кўрсаткичлари ва уларни иш жараёнида кўрсата билиш	
Кредит-соат	Академик даража олишда ўқув дастурини бажарганлик мезони	
Балл	Билимни боҳолаш учун мезон бирлиги	
Мехнат бозори	Бирор бир худудга тегишли таклиф қилинаёткан ишлар ва уларнинг турларига кўра қўйиладиган талаблар ва шартлар	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот гlosсарийда келтирилган.

Т-ЖАДВАЛИ



Мазкур метод графикили органайзерлар (ташкил этувчи) техникасиға киритилган бўлиб, – фикрий жараёнларни кўргазмали тақдим этиш воситасидир. Мавзуга оид берилган маълумотларни тахлил килиш, солиштириш ва таққослаш да фойдаланилади.

Методнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши

АҚШ таълим тизими ва Германия таълим тизимидағи фарқли томоналрни таҳлил қилинг

АҚШ таълим тизими

- Ти Таълимни ташкил ва назорат қилувчи ташкилот?
Барча ишларни бажарувчилар: Штатлар ва университетлар кенгashi.
Давлат органи бўлмиш Федерал таълим департаменти асосан таълимга ажратилган маблағни Штатларга тақсимлаш билан

Германия таълим

- Умумий таълим сиёсати Федерал қонуни асосида бажарилади.
Таълимни ташкил ва назорат қилувчи ташкилот?
-Германия Ерлари Вазирлиги

ХУЛОСА:

- АҚШда олий таълим масалалари бўйича Штатлар ва университетларга мустақиллик берилган.
- Германияда таълим тизими давлат назоратида

“Инсерт” методи

Матинни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланниб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Методнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
“Университет-мехнат бозори” моделининг принциплари.				
“Университет-талаба” моделининг принциплари.				
“Талаба-мехнат бозори” моделининг принциплари				

“Кичик гурухларда ишлаш” методи

Ушбу метод таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топширикни бошқаришга қаратилган. Метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, ўз фикрларини ифода этиши, бир-биридан ўрганиши, турли нуктаиназарларни инобатга олиш имконига эга бўлади. Тренер томонидан вақт белгиланади. Таълим берувчи томонидан бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолайди. Амалий машғулотларни ўзлаштириш даврида “Кичик гурухларда ишлаш” методидан фойдаланилади.

Ушбу метод таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топширикни бошқаришга қаратилган. Метод қўлланилганда таълим олувчи

кичик гурӯҳларда ишлаб, ўз фикрларини ифода этиши, бир-биридан ўрганиши, турли нуқтаи-назарларни инобатга олиш имконига эга бўлади.

Методнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиши

Мавзу юзасидан гурӯҳларга бериладиган топшириқлар

1-ГУРУҲ. АҚШ, Англия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Хитой ва Япония давлатларининг таълим тизимларини қиёсий таҳдил қилинг ва куйидаги жадвални тўлдиринг.

Ўхашлик лари	Фарқли томонлари	Афзаллик лари	Камчилик лари

2-ГУРУҲ. Хорижий давлатлар таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан таққослаш.

Ўхашлик лари	Фарқли томонлари	Афзаллик лари	Камчилик лари

3-ГУРУҲ. Етакчи хорижий далатлар университетларининг меҳнат бозори, талабалар билан олиб борадиган ҳамкорлик фаолиятини таҳдил қилинг.

Афзалликлари	Камчиликлари

Гурӯҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Мезонлари	баллар			
Мазмуни				
Гурӯҳнинг фаол иштироки				
Белгиланган вақтга риоя этилганлиги				
Тақдимоти				

Баҳолаш меъёрлари:

Юқори балл-20 балл

18-20 баллгacha -“АЪЛО”;

15-17 баллгacha -“ЯХШИ”;

12 - 14 баллгacha -“ҚОНИҚАРЛИ”;

12 дан паст балл - “ҚОНИҚАРСИЗ”

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Кириш, Етакчи Хорижий Давлатларининг Авиация
Соҳасидаги Илғор Таълим Тажрибалари.**

(2 соат)

Режа:

1. Кириш. Етакчи хорижий давлатларининг таълим тизими.
2. Ўқитиш методикаси.
3. Модулни ўқитишда ишлатиладиган илғор хорижий методлар

Таяинч сўз ва иборалар: илғор хорижий давлатлар, таълим тизими, педагогик технология, ўқитиш жараёни, иқтисодиёт, малакали мутахассислар.

1.1 Кириш. ЕТАКЧИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Хозирги замонда иқтисодиёт жараёни глобаллашаётган вазиятда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларини интенсив равишда кенг қўламда инвестицияларни жалб этиш асосида ривожлантириш асосий долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу шароитда юқори технологияларга эга бўлаётган ишлаб чиқариш корхоналарига мукаммал касбий квалификацияли мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимининг асосий бурчидир. Бундай мутахассисларни тайёрлаш профессор-ўқитувчиларнинг малакасига, замонавий билимга эгалигига ва юқори замонавий педагогик технологияларни ишлата билишига боғлиқ бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт тармоқларига саводли кадрларни етказиб бериш учун профессор-ўқитувчилар шу кунда етакчи хорижий давлатлар таълим тизимида олиб борилаётган ишлардан ҳабар топишлари лозим ва уларнинг ЭНГ илғор педагогик технологияларини ва замон талабларига жавоб берадиган таълим дастурларини ўргангандан ҳолда талабаларимизга билим беришлари керак. Шундай экан биз - таълим ва билим берувчиларга иқтисодиёти илғор бўлган хорижий давлатларнинг етакчи ўқув юртларида жорий этилган таълим тизимини ўргатишимиз зарур.

Маълумки хозирги замонда АҚШ, Германия, Англия, Франция, Жанубий Корея, Япония ва Хитой давлатлари илғор давлатлар қаторидан нуфузли ўринга эга бўлиб келмоқда. Шундай экан, ушбу давлатларда қабул этилган таълим тизими¹ билан таншиб чиқишимиз ва уларда эришилган ўқитиш технологияларини ўрганишимиз зарур. Келтирилган давлатларнинг таълим тизими бир биридан кескин фарқ қиласада ўзига хос кўрсатгичлари мавжуд.



Логотип

¹ <http://www.study.uz/> - хорижий давлатлар таълим тизими. Ўзбекистоннинг веб сайти.

Уларнинг таълим тизими асрлар давомида миллий анъаналарга ва иқтисодиётни ривожланишига кўра шаклланиб келган.

Хозирги кунда Европа давлатлари таълим тизимларини ягона стандартга келтириш йўлида иш олиб бормоқдалар, бунга Болония жараёни сабабдир². Унга кўра Европа давлатларининг олий таълим тизимларини ўзаро яқинлаштириш асосида Европанинг ягона олий таълим майдонини яратишдан иборат. Болония жараёнининг расмий бошланиши 1990 йил 19 июнда Болония декларациясини Европанинг 29 давлатлари вакиллари имзолашидан бошланган. 21 аср бошларида Болония жараёни Европа Иттифоки (ЕИ) давлатларидан ташқари бошқа давлатларга тарқала бошлади. Хозирги кунда Болония жараёнида 47 давлат ишитрок этмоқда. Болония жараёнининг принципларини тарқалишида ЕИнг халқаро таълим дастури TEMPUS³ катта рол ўйномоқда.



Болония декларациясини имзолаган Темпус дастурида иштирок этувчи лар.

10 й. бўлиб ўтган Болония форумида қатнашган Темпус дастурида рок этувчи давлатлар.

Темпус дастурида иштирок этувчи бошқа давлатлар.

Европа Иттифокига аъзо давлатлар.

Болония жараёни қуйидаги олий таълимига оид ёндошувларни олға сурмоқда:

² [The Bologna Process and the European Higher Education Area ...](http://ec.europa.eu/education/.../higher-education/bol...)
ec.europa.eu/education/.../higher-education/bol...

³ About Tempus www.istu.edu.ua/en/tempus/about-tempus/

1. 3 циклли Болония таълим тузилмаси.
2. Баҳолаш бирлиги тизими (ECTS- European Credit Transfer System).
3. Диплом иловаси.
4. Квалификациянинг миллий ўлчови (рамкаси).
5. Сифатни баҳоловчи мустақил агентликлар.
6. Квалификацияни ўзаро тан олишга қаратилган Лиссобон конвенцияси.

Ўзбекистон Республикаси қадамма-қадам Болония жараёнининг форматларига яқинлашиб бормоқда, масалан, олий таълимда қабул этилган “бакалавр-магистр-доктор” модели буни тасдиқлаши мумкин.

Келтирилган давлатларнинг таълим тизимини тўлиқ ва атрофлича ёритиш масаласи хажм жиҳатдан мазкур ўқув модулига белгиланган академик соат хажмидан зиёдлиги учун уни АҚШ ва Германия таълим тизимлари мисолида кўриб чиқиши мақсадга эришишнинг бирдан бир рационал йўли десак бўлади.

1.1 .1 АҚШНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

АҚШ таълим вазирлиги (ингл. *United States Department of Education*)⁴ — АҚШнинг бирдан бир ижроий департаменти Вазирлик 1979 йилда ташкил қилинган. Бошқа далатларга қўра АҚШда таълим тизими марказлаштирилмаган. Асосий таълим масалалари билан штатлар ва университет кенгашлари шуғилланади. Вазирликнинг вазифаси федерал таълим бюджетини таҳсимлашдан иборат.

АҚШда олий ва ўрта маҳсус таълим масканларига абитуриентларни жалб қилиш учун Америка таълим марказлари ташкил этилган.⁵ У АҚШнинг давлат департаментининг расмий вакили ҳисобланади. Бундай марказларнинг сони 400 та, улар 170 га яқин давлатларни қамраб олган. Марказларнинг ҳизмати бепул.

Америка таълим марказлари қуйидаги хизмат турларини амалга ошириб келмоқда:

- АҚШ таълимига оид маъruzalар.
- Индивидуал маслаҳатлар.
- Америка ўқув юртлари, апликация жараёни ва молия ёрдам бўйича справочниклар.
- TOEFL, SAT, GRE, GMAT, LSAT, USMLE бўйича тестга тайёрланиш учун ўқув қўлланмалар ва компьютер дастурлар.
- Америка ўқув юртлар вакилларининг тақдимоти.

⁴ Department of Education | USA.gov <https://www.usa.gov/federal-agencies/department-of-education>


⁵ American Education Center www.americaneducationcenter.org/

- АҚШ консулигинаң вакиллари билан талабалар визасини олиш учун учрашувлар.

Юқорида келтирилган ҳизматлардан ташқари мазкур Марказ масофавий ҳизматлар ҳам ташкил қылған. Масалан, масофадан электрон почта орқали ёки скайпда маслаҳатлар бериш. Зарурий худудларга бориб тақдимотлар ўтқазиш.

Куйи жадвалда Ўзбекистон, Россия ва АҚШ таълим тизимларининг таққослови келтирилган.

	Ўзбекистон	Россия	АҚШ
Давлат назорати	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	Таълим вазирлиги	Федерал таълим департаменти. Унинг вазифаси федерал молия бюджетини штатларга төсимлаш. Ўқув масалалари билан штатлар кенгаши ва университет кенгашлари шуғулланади - ўқув юртлари катта автономияга эга.
Ўқув юртлари	Академик лицей/ касб-хунар коллекции, институт/университет	Институт/университет	Community College/ College/University
Диплом/дараражалари олиш босқичлари	Бакалавриат, магистратура, институт доктор илмий даражасини олиш учун тадқиқотчилар институти.	Мутахассис-аспирантура-бакалавриат-магистратура-аспирантура-докторантураси	Дипломолди таълим (AA, AAs, BA, BSc) Дипломдан сўнг таълим (MA, MSc, MBA, MD, LLM, JD, PhD)
Ўқишига кириш талаблари	Ягона давлат имтиҳони	Ягона давлат имтиҳони ва/ёки университет тарафидан белгиланган кириш имтиҳонлари	Анкета, стандартланган имтиҳонлар, тавсия хати, эссе, резюме, интервью, ...



ҮКИШГА КИРИШ ЖАРАЁНИ

1. Үқув юртини танлаш



Танлаш учун асосий критерийлар:

- Үқув юртинг тури
- Үқув дастури
- Университетни жойлашган худуди
- Таълим харажати
- Турар жой шароити
- Тугатгандан сўнг ишга жойлашиш перспективаси.

Талаба бўлмоқ истагидаги ёшларга үқув дастурини танлаш учун маҳсус информацион ресурслар яратилган, улар қуидагидан иборат:

⁶ The U.S. Educational System – Education USA <https://educationusa.state.gov/.../us-educational-...>

- Petersons.com или CollegeBoard.com (ўқув дастури, университет тури, жойлашган манзили, ва б.);
- Профессорларнинг (MA, PhD) мақолалари ва ишлари;
- Справочниклар (EAC);
- Олий ўқув юртларнинг сайtlари;
- Форумлар, блоглар, Facebook;
- Видео конференциялар/Вебчатлар;
- Шахсий учрашув.

Фойдали вебсайтлар:

- www.euroeducation.net/prof/usa.htm - United States of America: Structure of Educational System, Pre-higher Education System, Higher Education System, Administrative structure of higher education, Admissions to Higher Education and Recognition.
- <https://educationusa.state.gov> – Understanding U.S. Higher Education – Education USA
- <https://www.universitylanguage.com> - Higher Education in the United States
- <http://www.learnenglish.de/culture/educationculture.html> - The British Education System.
- <http://education.stateuniversity.com/pages/1400/South-Korea-EDUCATIONAL-SYSTEM-OVERVIEW.html> - South Korea - Educational System—overview.
- www.collegeboard.com - College Board – college search, scholarship search, general information /
- <http://www.petersons.com> – Peterson's Guide – best graduate school search, scholarship search
- www.chea.org – Council for Higher Education Accreditation
- <http://nces.ed.gov/collegenavigator/> - National Center for Education Statistics: College Navigator

АҚШда олий таълимнинг иккинчи босқичи (MA/MSc/MBA/LLM/JD/PhD) бўйича ўқишга кириш учун керакли асосий хужжатлар таркиби

- Анкета (application).
- Аттестат, диплом/ (transcript), университетда ўқиш вақтида олган боҳоларга оид кўчирма.
- 2-3 тавсия хатлари.
- Мотивацион хат/ эссе (Statement of Purpose).
- Тестлар натижаси (TOEFL, GRE, GRE Subject, GMAT, LSAT).
- Резюме.
- Writing sample / Project proposal.
- Рўйхатга олиниш учун тўлов (application fee).

Таълим олишни молиялаштириш масаласи

АҚШда бепул таълим олиш йўқ. Аммо турли молия ёрдами олиш йўллари мавжуд, маслан:

А) Давлат тарафидан бериладиган стипендиялар ва грантлар/фондлар: Fulbright, Ford Foundation, Rockefeller Foundation, Rotary Foundation, etc.

В) Университет стипендиялари.

Университет тарафидан қўйидаги молиявий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Олий таълимнинг биринчи босқичи бўйича белгиланган стипендиялар:

- Академик стипендиялар (merit-based, need-based)
- Спорт стипендиялари.

Биринчи босқични муваффақиятли битирганларга белгиланган стипендиялар:

- Академик стипендия (Fellowship/Scholarship)
- Ўқитувчи стипендияси (Teaching Assistance)
- Тадқиқот стипендияси (Research Assistance)

Ўқиш даврида ишлаш хуқуқи. Талабаларга ўқиш даврида ҳафтасига 20 соат ва каникул вақтида ҳафтасига 40 соат ишлашга руҳсат этилган, аммо ишлаб ўқиш ёки тураг жой тўловини тўплашга имкон бермайдা.

1.1 .2 ГЕРМАНИЯНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Германия таълим тизимининг таркибида 250 дан зиёд ОТМ мавжуд. Яқин кунларга қадар Германия фуқаролари ва ҳорижийлар учун олий таълимнинг бирига эга бўлиш бепул эди, аммо 2007 йилдан бошлаб айриб ОТМларда талабалар тўлов асосида ўқийдилар. Масалан, айрим ОТМларда 1 семестрда 500 евро ва ундан ташқари ўқув юртнинг белгиланган ҳизматлари учун 150 евро тўлаш керак. ОТМларнинг кўпи давлатники – давлат тарафидан молиялаштирилади. Таҳминан ОТМларнинг 69таси хусусий.

ОТМга кириш учун имтиҳон топшириш кўзда тутилмаган. Абитуриент учун мактабни ёки гимназияни битиришда муваффақиятли имтиҳон топшириш катта аҳамиятга эга, чунки нуфузли мутахассислик бўйича ўқишга киришда аттестатдаги ўртacha балл мухум роль ўйнайди.

Университетларнинг нуфузли мутахассисликларига тегишли ўринларни тақсимлаш ишлари билан маҳсус "Zentralstelle für die Vergabe von Studienplätzen" (ZVS) муассаса шуғулланади. ZVS ўртача баллдан ташқари абитуриентни ижтимоий ҳолатини ва шаҳсий сабабларини ҳам назарга олади. Агар ўртача балл етарли бўлмаса абитурентни навбатга қўйишади. Бир неча семестр ўтгач унга университетдан ўрин берилади.⁷

⁷ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.23-25

Германияда мунтазам равишида университетларнинг рейтинги аниқланиб борилади, бунда ўқитиши шартлари ва шароитлари, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти ҳамда таълим олгач мутахассисларни ишга жойлашиш эҳтимоли инобатга олинади.

Талабаларнинг 25 ёшига қадар ота-оналари 184 евро “бала пули”ни олишга хақли. Талабаларнинг шахсий ва ота-оналарининг дароматларига кўра улар бефоизли кредит олишлари мумкин. Кейинчалик кредитнинг ярми (10000 евродан ошмаган холда) давлатга кайтарилади. Агар битирувчилар университетдан кейин 1 йил ичидаги фарзандлик бўлсалар кредит қайтаришдан озод қилинади.

Кредитдан ташқари Германияда турли фондларнинг стипендиялари мавжуд. Масалан, партиялар, немис халқининг, черковлар, ҳукумат ерлари, Германия ҳукумат бўлимлари ва унча катта бўлмаган худудий ташкилотлар фондларининг стипендиялари. Стипендия одатда талабаларнинг маълум категорияларига мўлжалланган, масалан, нихоятда иқтидорли талабаларга. Стипендиялар немис ҳамда хорижидан келган талабаларга берилади. Германия академик алмашинув хизмати хорижий талабаларга стипендия берувчи асосий ташкилот ҳисобланади. Конрад Аденауер фонди, Фридрих Эберт фонди, Германия Ерларининг фондлари стипендияларни фақат диссертация ёзиш учун берадилар.

Университетлар мақсади билими мустаҳкам ва дунё қарashi кенг бўлган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

Махсус (профессионал) ОТМлар мутахассисларни тайёрлашда катта ахамиятга эга. Улар немис мухадисларининг 70 % тайёрлашади. Ушбу ОТМлар қисқартирилган ўқув цикли билан фарқланади. Талабалар 3 йил давомида назарий билим олишади, кейин эса 1 йил амалиёт ишларини ўрганишади. Бундай ОТМларда таълим максимал амалиётга яқинлаштирилган. Барча профессор-ўқитувчилар касбий тажрибага эга ва ишлаб чиқариш фирмалари билан мустаҳкам алоқа боғлашган.

Германияда “Академик эркинлик” принципи ҳукум топган. Унга биноан бошқарув ва ташкилий масалалари юзасидан ОТМлар ва талабаларга эркинлик берилган. Германияда таълим тизими умумий мажбурий коидалар билан катъий чегараланмаган. Таълимга оид деярли барча маслалаларнинг самарали ечими ва натижалари талабанинг масъулияти, мустақиллиги ва интизомига ҳавола этилган. Таълаба танлаган мутахассисликнинг ўқув дастурига риоя қилган холда ўз ўқув режасини тузади ва ўқув вақтини реажалаштиради.

Германияда деярли барча мутахассислар бўйича таълим олиш икки даврдан иборат:

- **Бошлангич даври (Grundstudium).** Бу даврда 4 семестр давомида талаба ҳоҳиши билан танлаган фанлари бўйича базавий билимларни ўзлаштиради, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва олган билимларини амалиётга тадбик қилиш кўнинклаларини эгалайди. Давр оралиқ ва дипломолди имтиҳонларни топшириш билан тугайди (Zwischenprüfung).

Аммо бу имтиҳонлар якуний бити्रув имтиҳонлари деб қабул қилинмаган, уларнинг натижаси бўйича касбий квалификация берилмайди, лекин улар ўқишни давом этишга йўл очади.

- **Асосий давр (Hauptstudium).** Бу давр 5 семестрдан иборат. Талаба танлаган фанлари бўйича чуқур билимларни ўзлаштиради. У мустақил илмий изланишлар олиб боради, университет таклиф этган фанлар кесимида специализация йўналишини танлайди. Бу босқич бакалавр, магистр дипломини олиш ёки давлат имтиҳонини топшириш билан якунланади. Сўнги семестр академик даражасини олиш учун диссертация ёзишга багишлилади.

Таълим олиш муддати ОТМнг турига ва академик даражани олишга боғлиқ. Олий таълимнинг Қонунига асосан биринчи касбий квалификацияга эга бўлиш учун «стандарт таълим даври» (Regelstudienzeit) 4,5 йил (9 семестр)ни ташкил этади. Фақатгина айрим ҳолатларда бошқа “мезон” белгиланиши мумкин. Бакалавр (Bachelor ёки Bakkalaureusgrad) академик даражасини олиш учун камида 3 йил ўқиш керак, кўпида – 4 йил. Бу басқичдан кейин магистр (Master ёки Magistergrad) академик даражасини олиш учун иккинчи якуний имтиҳонни топшириши мумкин. Бу даражага эга бўлиш учун камида 1 йил, кўпи билан 4 йил ўқиш керак.⁸

Талабанинг билим ўзлаштириши семестр ҳафталари соати билан ўлчанади. 4 йил ўқиш муддатига 150-160 семестр соати тўғри келади. Талабанинг билими имтиҳонлар орқали аниқланади. Имтиҳонларни топширишга бир неча назорат ёзма иши бажарилгандан сўнг рухсат берилади.

ОТМлар таълим тизимида маъруза, машғулот, просеминар (мураккаб семинар машғулотларидан олдин бажариладиган амалий машғулотлар, семинар, оберсеминар, лаборатория ишлари ўқитиш шакллари мавжуд.⁹ Ўзбекистонда қабул қилинган ва бизга хос тушунчадаги курс ва лойиха ишлари уларда йўқ.

Шу ерда Германиянинг олий тизимига оид яна айрим маълумотлар бериш мақсадга лоиқ¹⁰.

Германия ОТМларида одатга қўра академик йил 2 семестрдан иборат. Ёзги семестр (Semester) 1 апрелдан 30 сентябрга қадар бўлади, қишки семестр – 1 октябрдан то 31 марта қадар. Айрим ОТМларда семестр бир ой вақтлироқ бошланади ва 1 ой кеч тугайди.

Академик йилнинг деярли Здан бир қисми талabalар таътилидан иборат. Аммо бу муддат асло дам олиш учун берилмаган. Таътил вақтитда талabalар уй ёзма ишларини бажаришади ва айрим факультетларнинг тартибига кўра назорат ишларини ёзишади ва имтиҳонлар топширишади.

⁸ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.28-30

⁹ www.study-in-germany.de

¹⁰ www.study-in-germany.de

Германия ОТМларида ишни ташкил этилиши. Германия ОТМларида ўқув машғулотларининг тури кўп. Биринчи курс талабалари дарслар жадвалидаги маълумоларга катта эътибор беришлари муҳим, негаки кўрсатилган вақт ёнига "c.t." (cum tempore) ёзилиши маъруза ёки семинарни 15 мин. кеч бошланишини билдиради (akademisches Viertel), агар "s.t." (sine tempore) ёзуви бўлса – бу ҳолда дарсга кеч қолиш мумкин эмас.

Маъруза (Vorlesung) – университетнинг классик ўқитиш шакли. Маъруза вақтида профессорлар материалларни баён этишади, талабалар керакли маълумтоларни ёзишади, ва лекциядан ташқари уларни қўшимча ўрганишади ва ўзлаштиришади. Кўпинча ўқитувчилар маҳсус машғулолотлар ўтказишади, унда талабалар олган янги билимларини амалиётга тадбиқ этиш учун қўшимча қўнималарга эга бўлишади. Айрим факультетларда бундай тадбирлар **тutorий** (Tutorium) деб аталади. Тutorийларни кўпинча юқори курс талабалари ўтказади. Бундай машғулотларда турли масалалар ечилади, маърузада олинган билимлар чуқирлашади ва амалиётга боғлаш ўрганилади.

Семинарларда (Seminar) талабалар ва ўқитувчилар биргаликда ўқув материалларини таҳлил қилишади ва чуқурроқ ўзлаштириш ишларини бажаришади. Деярли барча университетларда бошлангич курсларда семинарлар “просеминар” (Proseminar) деб аталади, асосий курсларда эса – “ўртача” ва асосий” (Mittel-, Haupt- oder Oberseminar) семинарлар тушунчаси мавжуд. Талабалар белгиланган мавзу бўйича тайёрлаган рефератларини семинарларда ўқиб берадилар, кейин эса тақдим қилинган материаллар талабалар ўртасида муҳокама этилади. Семинарларда муваффақиятли иштирок этган талабаларга маҳсус гувоҳнома (Leistungsnachweis/Schein) берилади. Бундай гувоҳнома катта аҳамиятга эга, чунки имтиҳон топшириш учун у руҳсатнома ҳисобланади. Имтиҳонга кириш учун руҳсатномаларни маълум миқторини тўплаш керак. Гувоҳномаларни тури бир неча. Масалан, талаба семинарда пассив иштирок этса унга “Sitzschein” номли гувоҳнома берилади. Фаол қатнашанлигини тасдиқловчи гувоҳнома олиш учун талаба турли вазифаларни бажарган бўлиши керак (уй иши “Hausarbeit”, реферат “Referat”, назорат иши “Klausur”). Талабанинг ушбу фаолиятига тегишли маълумотлар факультетнинг “Имтиҳон топшириш тартиблари” (Prüfungsordnung) аталмуш йўриқномасида келтирилган.

Германия ОТМларида илмий ишлар бажарилиши. Германияда битта илмий даража мавжуд – фан доктори. Бу даража ҳимоядан кейин ва диссертацияни ОТМда тўлиқ нашр қилингандан сўнг берилади.

Германия университетларининг илмий фаолияти олий таълим концепциясига асосланган. ОТМлар илмий-тадқиқот ишлар бўйича марказий ўринни эгаллаган. Илмий ташкилотлар ОТМлар билан биргаликда ишлар олиб боришади. Шунинг учун улар орасидаги, шу жумладан ишлаб чиқаришда бажарилаётган илмий ишлар орасида узилишлар йўқ. Бундай ёндошув тадқиқотларни қайтарилишига чек қўяди ва натижаларни жорий қилишда тезкорлик ва осонлик яратади. Ўтган асрнинг 50-чи йилларида

Германияда “хамкорлик илмий-тадқиқот изланишлар” шакли қабул қилинганды. Бу шаклга асосан фирмалар ўзларининг фаолият туридан келиб чиқиб ОТМлар билан илмий иттифоқлар тузишади ва белгиланган илмий-техникавий муаммолар ечимида хамкорлик қилишади. Ишлаб чиқаришда илмий-тадқиқотлар ишлари билан профессор-ўқитувчилардан ташқари талабалар ва ёш олимлар иштирок этишади. Профессор-ўқитувчилар ўзлари хам шахсан белгиланган вақтда фирмаларда амалиёт ўтишлари шарт.

ОТМлар қошида приоритет соҳалар юзасидан қўлга киритилган илмий-техникавий ютуқлар билан фирма вақилларини танишириш учун кўргазмалар ва маслаҳатлар марказлари ташкил қилинади.

1.2. ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқитиши методкасини замонавийлиги кенг равища компьютер техникасидан фойдаланиш билан белгиланади. Талабалар билим олиш жараёнида компьютер информацион тармоқларидан самаравали фойдаланади. Бу билим олишдан ташқари меҳнат бозорини ўрганишга имкон беради, шу орқали улар босқичма-босқич келажакдаги фаолиятларини шакллантириб борадилар.

Ўқитиши методикасига қуйидаги ҳоссалар мансуб:

1. Маъруза вақтида эркинлик хукум суради, талаба мавзу бўйича мухокамага ўтиши ва ўзини фикрини билдиришга эга. Бундай вазиятни келиб чиқиши дарсликларда ўқилаётган мавзулар батафсил ёритилган, шунинг учун ўқитувчини талаба билан мухокама юритишга имкони бор.

2. Кенг қўламда турли ўйинлар асосида машғулотлар ўтилиши мумкин.

3. Ўқитувчи дарсдан олдин 1-2 бетли маъruzani қисқа матнини тарқатади, унинг асосида талабалар маъruzani эшлишиб кузатиб борадилар, юзага келган саволларга жавоб оладилар. Маъруза проектор орқали намойиш этилади. Керакли вақтда бўр-тахта принципи хам ишлатилиши мумкин.

4. Кенг қўламда турли (мавзуга оид) ўкув фильмлари ишлатилади. Ўкув фильмлари деярли барча мавзулар бўйича мавжуд.

5. Ўқитувчи мавзуга мос келадиган оммавий аҳборот воситаларида маълум қилинган янги ҳабарларни тақдим этади.

6. Айрим холларда машғулотга соҳада танилган олим ёки мутахассисни таклиф қиласида ва унинг иштирокида долзарб муаммоларни ҳал этади.¹¹ Ўқитиши методикасида силлабус ва кейс услубларидан кенг фойдаланилади.

¹¹ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.34-38

1.3 МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ИЛҒОР ХОРИЖИЙ МЕТОДЛАР

Келажак мутахассисларнинг билими ва касбий компетентлигини оширишда таълим технологисини мунтазам равишда ривожлантириш долзарб педагогик масалалар қаторига киради. Таълим жараёнида аудитория ва мустақил ўқитиши шаклларининг самарадорлигини ошириш йўлида хорижий университетлари тарафидан қатор ўқитиши методлари яратилган, маслан, “Силлабус”, “Кейс-стади”, “ФСМУ”, “Ассесмент”, “Инсерт”, “Тушунчалар таҳлили”, “Венн Диаграммаси”, “Блиц-ўйин”, “Брифинг” ва “Портфолио” услублари. Қуйида хар бир методнинг мазмуни ва ишлатиш йўллари келтирилган.

Силлабус методи

Силлабус - бу фанга тегишли ўқув-услубий дастур. Дастурда фаннинг тавсифи, мақсади ва вазифалари, қисқача мазмуни, мавзулар ва хар бир машғулотга ажратилган соат ҳажми, мустақил ишлар учун топшириқлар, маслаҳат учун ажратилган соат ҳажми, баҳолаш мезони, асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати келтирилади.

Хар семестрнинг бошида хар бир фандан университет сайтининг кафедра саҳифасида керакли силлабуслар жойлаштирилади ва улардан талабалар фойдаланишига шароит яратилади. Бундай усул ўқитувчи ва талабанинг орасидаги таълим жараёнини такомиллаштиради.

Силлауслар таълим йўналишига оид бўлган норматив материаллар асосида тузилади. Силлабусни тузиш учун ўрнатилган қатъий талаблар йўқ. Профессор-ўқитувчи ўзининг маҳоратига таянган холда тузади. Лекин шуни эслатиб ўтиш керакки силлобус қуидаги қисмлардан иборат бўлиш керак:¹²

1. Титул вараги – ОТМ ва кафедранинг номи, фаннинг номи ва коди, таълим йўналиши, ўқитиши семестри, фанга бериладиган кредитлар сони (соат), назорат шакли. Бу маълумотлар ўқув режадан олинади.

2. Ўқитувчи тўғрисида маълумот: ўқитувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, илмий даражаси, лавозими ва маслаҳат берадиган жойи ва вақти.

3. Алоқа учун маълумот: кафедрада бўлиш вақти, телефонлар рақами (ҳизмат ва уй телефонлари), электрон манзили.

4. Кредитлар сони.

5. Сана: фанни ўқитиши учун белгиланган йил ва семестр.

6. Фанни тавсифи (албатта фанни долзарблиги ва иқтисодиётга зарурлиги акс этилиши керак). Шу жумладан фанни мақсади ва вазифалари келтирилган бўлиши керак. Фанни ўрганиш натижасида талабанинг назарий билими, амалий билим ва қўнималар тизими қандай бўлиши кераклигига талаблар келтирилади. Фанни ўқитиши мақсади намунавий ўқув дастурига

¹² Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education. 38-40

мувофиқ қўйилади. Шу қаторда талаба қандай компетентликларга эриши мумкунлиги ёритилдаи. Бундан ташқари профессорнинг талабага бўлган талаблари келтирилади, айнан, интизомига, машғулотларга нисбатан ёндошувига, ўқитувчига ва бошқа талабаларга нисбатан муносабатига.

7. Машғулотлар тури ва соатларни таҳсимиға мувофиқ ўқув-мавзуй режа. Ушба режа бўлимлар номи ва уларга жамида ажратилган соат, шу жумладан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари, мустақил иш ва уларга ажратилган соатлар ҳажми таблица кўринишда берилади.

8. Талабаларга методик кўрсатмалар. Силлобуснинг ушбу бўлими талаблаларга бериладиган топшириқлар рўйхати, шу жумладан мустақил ишлар мавзуи, ва уларни бажариш учун кўрсатмалардан иборат. Бу бўлимда вазифаларни самарали тайёрлаш учун методик кўрсатмлар мужассамланган.

9. Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати. Асосий адабиётлар сони 3-5 базавий дасрликларан иборат бўлиши керак. Яхшиси уларнинг электрон варианtlари университет ўқув порталида бўлиши. Қўшимча адабиётлар сони 10дан ошмаслиги кифоя.

10. Ҳисоботни тайёрлаш ва уни баҳолаш тўғрисида маълумот.

11. Баллни қўйишга оид таълим қоидалари.

Демак силлобусларнинг асосий мақсади талабаларга бирор бир фан бўйича мустақил ишини самарали бажаришида методик кўрсатма ва ёрдам беришдан иборат.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган услуб ҳисобланади¹³. Мазкур услуб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан келиб чиққан холда иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What). Ушбу ҳаракатлар орқали ўқитувчи талабани вазиятни мавжуд маълумотлардан фойдаланган холда самрали ечимларни топишга йўналтиради.

13

<http://writing.colostate.edu/references/research/casestudy/index.cfm>.
<http://www.casemethod.ru>.

“Кейс-стади” методини ишлатиш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурухда ишлаш; ✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ҳаво кемалари ва авиация двигателлари техник эксплуатациясининг ер усти жиҳозлари” фани кесимида ҳаво траплари тўғрисида ва уларни ҳаво кемаларининг турига кўра танлаш мавсусида “Кейс” методини ишлатиш мисоли.

1-босқич

Талабаларга (талабалар сонига кўра гурухлар тузилиши мумкин) мультимедия ёрдамида ёки тарқатма материаллар асосида йўловчилар траплари ва ҳаво кемалари тўғрисида батафсил маълумот берилади. Талабалар берилган маълумот билан таниппили ва ўрганипали

2-босқич

Талабаларга вазифа қўйилади:
“Қайси йўловчилар трапи қайси ҳаво кемаларига ишлатилиши мумкин?”

3-босқич

Йўловчилар трапи ва ҳаво кемалари орасидаги конструктив ва функционал фарқлар хамда ташкилий, иқтисодий, технологик, иқлимга оид бўлган факторлар аниқланади ва таҳлил этилади.

4-босқич

Барча мавжуд факторларни инобатга олган холда ечимлар таклиф этилади ва уларнинг ижобий ва салбий тарафлари муҳокама қилинади ва муқобил вариант танланади.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология

иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни ишлатиш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Мисол:

Фикр: “**Хаво кемаларининг асосий мақсади йўловчиларни ташиш**”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни **ФСМУ орқали таҳлил қилинг**.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим дараҷасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнікмаларни текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнікмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.¹⁴

Методни ишлатиш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши

¹⁴ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.41-43

мумкин.

Мисол: Йўловчилар ташувчи ҳаво кемасига йўловчиларни чиқазиши учун муқобил трап конструкциясини танлаш.

Топшириқ: Берилган маълумотларга асосан қўйилган масалани ижобий ечимини таклиф қилинг.



Ёмғир ёғаётган шароитда йўловчилар ташувчи ҳаво кемасига йўловчиларни чиқазиши учун қайси турдаги трап қулай?

A) Усти ёпиқ трап.
B) Усти очиқ трап.
C) Телескопик трап.

Қиёсий таҳлил:
Траплар турини қиёсий солиштиринг ва қўйилган шартга кўра уларни йўловчиларни ҳаво кемасига чиқазиши учун қулайлигини изоҳланг.

Тушинча таҳлили:
Авиация траплар турига таҳлил беринг.

Амалий қўни́кма (якуний қарор қабул қилиш): Ҳаво кемасининг конструктив кўрсаткичларига кўра трапларни унга мувофиқлигини аниқланг ва энг муқобилини белгиланг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни ишлатиш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни ишлатиш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Мисол: Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Трап	Йўловчиларни ҳаво кемасига чиқазиш учун ҳизмат қиласиган маҳсус қурулма	
Стремянка (хавоза)	Ҳаво кемасининг баланд жойларида иш бажариш учун техник персоналга керакли маҳсус қурилма	

Стенд	Ҳаво кемалари тизимларининг функционал ва конструктив ҳолатини текшириш учун ишлатиладиган маҳсус қурилма	
Қанот	Аэродинамик кўтариш кучини ҳосил қилувчи ҳаво кемасининг конструктив қисми	
Киль	Ҳаво кемасининг ҳаракат йўналиши ва бошқарувини таъминловчи конструктив қисми	
Гидравлик а тизими	Ҳаво кемасининг айрим конструктив қисмларини куч таъсирида маълум турдаги ҳаракатга келтирувчи конструктив-функционал мажмуа	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Вени Диаграммаси” методи


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни ишлатиш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилалар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Мисол: Трап турлари

1. Усти ёпиқ трап.
2. Усти очиқ трап.
3. Телескопик трап.



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни ишлатиш тартиби:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик групкаларга бирлаштиради ва груп аъзоларини ўз фикрлари билан групдошларини таништириб, баҳсланишиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «груп баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишини топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик групкалар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланишиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «груп баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «груп хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва груп хатоларини тўпланган умумий

йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Ўқитиш шаклларини методик нуқтаий назардан кетма-кетлигини тартибга солиш. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Як ка баҳо	Я кка хато	Т ўғри жавоб	Г урӯҳ баҳоси	Г урӯҳ хатоси
Семинар					
Лаборатория иши					
Амалиёт машғулоти					
Курс иши					
Маъруза					
Амалиёт					

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади.

“Портфолио” методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йигиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки талабаларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:¹⁵

¹⁵ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.44-48

Фаол ият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурухий
Таъл имий фаол ият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, талаба портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурухи, талабалар гурухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқалар

Талабаларнинг билимини баҳолаш тизими

АҚШ олий ўқув юрган кредит тизимининг ватани ҳисобланади. Бу тизим биринчи бор 1869 й. Гарвард университетига унинг президенти **Чарльз Элиот тарафидан** киритилган. Тизимни асосий мазмунни талабаларни ўзлаштирган билимларини “кредит-соат” (**credits**) билан ўлчашдан иборат. 29 й. давомида ушбу тизим АҚШнинг олий таълим тизимига жорий қилинган. 1802 й. бошлаб “кредит-соат” мезони ўрта ва юқори синфли мактабларга кирита бошланди.

“Кредит” асосида билимни баҳолаш ўқув жадвалини тузишда, ўртача баллни (GPA) ҳисоблашда, профессорғўқитувчилар ва кафедралдарнинг юкламасини аниқлашда ва меҳнат ҳақини белгилашда қулайлик яратишдан иборат. Ундан ташқари “Кредит” тизими универсал тусга эга. У талабани бир олий ўқув юртидан бошқасига ўтишда осонлик яратади, чунки олинган “Кредит”лар инобатга олинади. Ушбу тизим куп давлатлар университетларида қабул қилинган.

“Кредит” тизимининг принциплари

“Кредит” тизими билим олишнинг барча босқичларида (бакалавр, магистр ва доктор) ишлатилади. Хар бир академик даражада олиш учун тегишли минимум кредит ҳажми белгиланган. Бу нормани “United States Credit System” тизими мувофиқлаштириб боради.

Баклавр (Bachelor) унвонини олиш учун 4 йил ўқиш керак. Бунда бир “кредит-соат” семестр давомида хафтанинг бир академик аудитория соатига teng. Бунда маъруза ва амалий машғулот бўлиши мумкин, шу жумладан “кредит-соат” га яна қўшимча мустақил иш бажаришга белгиланган 2 соат назарга олинади. Натижада бир фанни ўрганиш учун берилган кредит, масалан, 15 академик соат ва 30 мустақил иш соати (1 семестр - 15 хафта) учун қуидагича бўлади

$$1 \text{ Credit} = 1 \text{ hour} (1+2) \times 15 = 45 \text{ соат}$$

Ўқиш даврида тахминан 40та фанни ўрганишга тўғри келади. Хар бирига ўртача ҳисобда 3 кредит олиш керак

Бириңчи 2 йил энг юкламали йиллар ҳисобланади, чунки 70 яқин кредит олиш керак. Аудиторияда талабалар бир хафтада ўртача 15 соат машғулот ўтишлари керак.

Учинчи ва түртінчи йилларда 40-50 кредит олиш керак

Магистр (Master) даражасини олиш учун аудиторияда 9-12 соат машғулот ўтиши керак ва мустақил иши 27-36 соатдан иборат бўлиши лозим. Нисбат 1:3 бўлмокда. Ушбу даражани олиш учун талаба ўқув дастурига кўра 30-60 кредит тўплаши керак.

Якунда шуни қайд қилиш лозимки Америка таълим тизимида талабаларнинг билимини баҳолашда сон усулиги эътибор қаратилган. Энг мураккаб тарафи шундан иборатки талаба семестр даврида камида 2 марта ёзма тест ўтиши лозим. Бундай тест семестр ўртасида ва семестр якунида топширилади. Оғзаки имтихонларни йўқлиги билимга объектив баҳо беришдан келиб чиқилган. Чунки ёзма тест юқори даражада объектив баҳолаш имконини беради. Айрим холларда объективликни ошириш учун четдан экспертларни таклиф этиш мумкин. Ўқитувчилар тест ўтказиш учун 50-100 тест саволларини тузишади. Талаба тестда 3-4 таклиф қилинган жавобдан жавоб танлайди. Бундай усулни талабалар рационал деб билишган.¹⁶

Юқорида келтирилган маълумотларга АҚШ таълим тизими бўйича якуний ҳуносаса.

1. Коллеж ва университетлар олдиндан қабул эълонини чиқазади
2. Эълонда тестлар келтирилади, шу жумладан кириш учун керакли минимал балл кўрсатилади.
3. Олий ўқув юртларига кириш учун кирувчининг ёши расман чекланмаган.
4. Таълим муддати чекланмаган, чунки тўлов орқали ўқиши давом этириш мумкин ва талаба ўрнатилган кредит миқдорини тўпласа шунда у ўқиши дастурини тўла бажарган ва диплом олишга хақ ли бўлади.
5. Давлат миқиёсида қабул ва тайёрлов режаси йўқ. Ҳар бир олий ўқув юрти ўзининг таълим тизимига асосланиб талабалар контингентини тузади, раҳбариятни мутлақо қизиқтирмайди талабани ўқиши жараёни ва келажакда бирор ишга жойлашиши.
6. Ўқув режада majors and minors – асосий ва қўшимча мутахассислик фанлари келтирилган.
7. АҚШда академик гугҳ деган тушунча йўқ. Ҳар бир талаба индивидул дастур асосида таълим олади ва танлаган дарсларга боради.
8. Far бир талабага конспект тақдим этилади, шунинг учун у машғулот вақтида конспект тузишдан озод.
9. Талаба ўқитувчининг дарсини тинглайди ва тарқатма материалларда керакли жойларни белгилаб боради. Бундай вазиятда лектор кенг қўламда турли техника воситаларидан фойдаланади, бу эса ўз навбатида талабаларни

¹⁶ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.49-54

мураккаб чизмаларни чизиш, расмларни ва тенгламаларни кўчириш ишларидан озод қиласи.

10. Талабалар ва ўқитувчи орасидаги муносабат демократик тусда кечади. Улар дўстона муносабатда бўлишлари хам кузатилади. Профессор талабани биргаликда овқатланишга таклиф қилиши ёки бирор бир тадбирга бирга бориши мумкин.

11. Хар бир ўқитувчи ўзини интизом стилига эга бўлиши мумкин, аммо у билан муносабатда бўлиш учунча оғир эмас.

Назорат саволлари:

1. АҚШда таълим масалалари билан қандай ташкилот шуғиланади?
2. Америка таълим маркази деганда нимани тушиниш керак?
3. Европа давлатларида таълим тизими билан қандай ташкилот шуғиланади?
4. Америка таълим марказлари қандай ҳизмат турларини бажаради?
5. Ўзбекистонда қандай ташкилот таълим масалаларини мувофиқлаштиради?
6. Россияда қандай ташкилот таълим масалаларини мувофиқлаштиради?
7. Россияда қандай таълим босқичлари мавжуд?
8. АҚШда қандай таълим босқичлари мавжуд?
9. Ўзбекистонда қандай таълим босқичлари мавжуд?
10. Ўзбекистон олий ўқув юртларига таълим олиш учун танлов қандай шаклда ўтказилади?
11. Россия олий ўқув юртларига таълим олиш учун танлов қандай шаклда ўтказилади?
12. АҚШ олий ўқув юртларига таълим олиш учун танлов қандай шаклда ўтказилади?
13. АҚШнинг олий таълим тузилмаси қандай?
14. АҚШда таълим олиш тизимининг молиялаштириш нимадан иборат?
15. Ўзбекистон таълим олиш тизимининг молиялаштириш нимадан иборат?
16. Англия, АҚШ ва Европанинг таълим тузилмалари қандай?
17. АҚШ университетларининг ўқитиши методикасининг асосий ҳоссалари нимадан иборат?
18. АҚШ таълим тизимида талабалар билими қандай баҳоланади?
19. АҚШ таълим тизимининг айрим ҳоссалари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Lawrenc Harry W. Aviation and the Role of Government. 3rd Edition. Kendall Hunt Publishing; 3 edition USA, 2015, English. 978-1465270740.
2. Guidelines for the mutual recognition of qualifications between Europe and the U.S.A.

3. John Z. Sonmez. **Soft Skills.** -Издательство: Manning. -Формат: eBook.- C. 477. **ISBN:** 9781617292392
4. The mutual recognition of academic qualifications in European countries and the USA
5. DOI: 10.1080/0379772940190205, pages 59-70. Publishing models and article dates explained Published online: 02 Aug 2006.
6. Practical guidelines for credential evaluators and admissions officers to provide fair and flexible recognition of foreign degrees and studies abroad. Second edition 2016.
7. Compiled by Stamenka UVALIC-TRUMBIC. Bucharest, 1994.
8. European Higher Education at the Crossroads Between the Bologna Process and National Reforms Editors: Curaj, A., Scott, P., Vlasceanu, L., Wilson, L. (Eds.). 2012.
9. Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.

Интернет ресурслари

1. www.study-in-germany.de – Германиядаги олий таълим.
2. www.collegeboard.com - College Board – college search, scholarship search, general information <http://www.petersons.com/>
3. www.petersons.com – Peterson’s Guide – best graduate school search, scholarship search
4. www.chea.org – Council for Higher Education Accreditation
5. <http://nces.ed.gov/collegenavigator/> - National Center for Education Statistics: College Navigator
6. www.essayedge.com<http://www.collegeboard.com/>
7. www.admissionsessays.com
8. www.statementofpurpose.com/colleges.html
9. Global Undergraduate Exchange Program (UGRAD)
10. <http://www.irex.ru><http://www.irex.ru/>
11. <http://www.irex.ru>Muskie Fellowships
12. <http://www.fulbright.ru>Fulbright Fellowships
13. <http://www.exchange.state.gov/education/hhhapply.htm> Hubert Humphrey Fellowships
14. <http://educationusa.info> - Education USA
<http://www.collegelink.com/>
15. www.collegelink.com - Collegelink – searchable database of over 600.000 scholarships <http://www.iefa.org/>
16. www.iefa.org/ - International Education Financial Aid – free search of over 800 scholarships for international students <http://www.scholarshiphelp.org/>
17. www.scholarshiphelp.org – ScholarshipHelp.org – advise on how to search and apply for grants and scholarships<http://www.finaid.org/>
18. [http://www.finaid.org/](http://www.finaid.org) - Financial Aid for Students

2-мавзу: Талабаларнинг назарий билимларини амалиётга боғлаш йўллари (2 соат)

Режа:

1. Назарий билимларнинг амалиётга боғлаш йўллари.
2. Махсус билим ва меҳнат бозори.
3. Меҳнат бозорида юқори даражада рақоботли бўлиш учун психологик кўникмалар.

Таянч сўз ва иборалар: талабалар, меҳнат бозори, кўникма, меҳнат бозорининг талаблари, АҚШ, келажак касб, психологик тайёрлов, дарслик, методик материаллар,

2.1 Назарий билимларнинг амалиётга боғлаш йўллари

Талабаларни ўқишга рағбатлантириш, уларда келажак касбига қизиқиш уйғотиши хорижий университетлар профессор-ўқитувчиларининг бирдан бир асосий вазифаси ҳисобланади. Масалан, АҚШ университетларининг профессор-ўқитувчилари тарафидан талабаларни фанларига қизиқтириш йўллари турлича. Асосийси фан материаллари талабаларнинг келажак касби ва ундаги жараёнга мос ёки яқин бўлишини максимал таъминлашга ёндашади. Яъни ишлаб чиқариш талабларига яраша маъруза ва амалиёт мавзуларини шакллантиради ва конкрет материалларга таянади. Бу эса талабаларни келажак фаолиятларига қўшимча психологик тайёрлаб боради, улар олган билимларига ишонч билан қарайдилар.

Шу кесимда жоиз деб билиш керакки, етакчи хорижий университетлари профессорлари дарсликларни ўзгача тузишади. Масалан, Америка дарсликлари ўзини оддийлиги билан ажралиб туради. Уларда ходисалар, фактлар ва бошқа маълумотлар атрофлича баён этилади, бу материалларни ўзлаштиришга ва эслаб қолишга осонлик яратади. Фактлар ёрқин ифодаланади, конкрет мисоллар келтирилади, уларни жами хаётийлиги билан, ишлаб чиқаришга яқинлиги билан ажралиб туради. Материаллар методологик маҳорат билан бўлимларга бўлинади. Материал матни турли шрифтлар ва қалинликларда ёзилганлиги учун талабалар осонгина асосий ва ноасосий материалларни ажратади. Бундай холат талабалар билимини деярли бир кўрсатгичга олиб келишда катта ёрдам беради. Қисқаси, дарсликлар талабаларни психологиясини инобатга олган холда тузилади.

Уларнинг дарсликлари режалаштирилган мавзу бўйича ёрқин қўлланма. Дарслик жуда кўп мисолларга, жадвалларга, суратларга, статистик маълумотларга бой. Бундай ёндошув методик конуниятларга атрофлича таянганлиги билан ажралиб туради.¹⁷

АҚШ дарсликлари талабаларни танқидий фикралашга ундейди, дуч келган вакияни аргументларга таяниб асослаб беришга ўргатади. Энг ажабланарли шундаки, дарсликлар талабларни ўзи билмаган холда


¹⁷ Peter A. M. Maassen, Johan P. Olsen - 2007 - Education.49-54

Американинг иқтисодиётини ва жамиятини энг “оқилона” тузилганлигини тан олдиради.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шуни хуоса қилса бўладики, Ўзбекистон таълим тизимига хамиша узлуксиз равишда инновационн самарали ғоялар, услублар ва ёндошувлар жорий этилиши шарт.

2.2. Махсус билим ва меҳнат бозори

Яна бирдан бир долзарб масала бу махсус билимларни меҳнат бозорига мос келишини таъминлаш. Бу ерда қуйида келтирилган ягона модел мавжуд:



Профессор-ўқитувчилар таълим тизимида меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиқсан холда ўқув дастурлар, ўқув режалар ва методик қўлланмлаларни яратишлари зарур.

2.3 Меҳнат бозорида юқори даражада ракоботли бўлиш учун психологик кўнималар

Махфий эмаски юртимизнинг мавжуд таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилари бириктирилган фан бўйича белгиланган шаклларда назарий ва амалий билим бериш асосий вазифа деб биладилар. Ваҳоланки берилган билим қанчалик меҳнат бозорида ўз қадрини топади деган савол билган ёки билмаган холда назардан четда қолиб кетади.


Юқорида эслатиб ўтилдики барча илғор хорижий далатларнинг таълим тизимида меҳнат бозорининг талabalari биринчи ўринда туради, негаки битрувчиларнинг келажаги меҳнат бозорига боғлиқ.

Шуни назарга олган холда Ўзбекистон таълим тизимида чет давлат университетларида бериладиган махсус ўқув модулидан фойдаланиш лозим, бу ўқув модули икки қисмдан иборат, номлари “Soft Skills” ва “Hard skills”. Уларни ўзбек тилига ўгирсак таҳминан “Юмшоқ ёндошув”, “Юмшоқ интизом” ёки “Юмшоқ муомала” ва “Қаттиқ ёндошув”, “Қаттиқ интизом” ёки

“Қаттиқ мұомала” десак бўлади. Бу ўқув модули талабаларга меҳнат бозорида қандай үзини тутиш ва иш жойида қандай фаолият юритишининг психологик асосларини ўргатади. Ушбу фандан қуйида келтирилган материаллар фойдали деб топилди ва мазкур мавзу материаллари таркибиға киритилди.

Soft Skills ва Hard skills асослари

Soft Skills – муваффақиятли меҳнат хаётининг калити, деаган шиор остида мавжуд.



Soft Skills (софтскилз) одамни фаолият турига ва йўналишига бевосита бўлмаган холда муваффақиятли (омадли) бўлишга ўргатади. Психологияда бу фазилат ижтимоий кўникмалар қаторига киради. Бунда мутахассис бирорга ўз фикрини асослий равишда ўтқаза билиши, одамларга самарали ёндошиши, етакчи (лидер) бўла олиши, бирор билан тил топа билиши, музокара олиб бориши, командада ишла олиши, шахсан ривожланиши, вақтни ҳисобга олган холда бошқариши, креатив бўлиши в ш.ў. фазилатларга эга бўлишни Soft Skills ўргатади.

Soft Skills ишда ва шахсий хаётда жуда зарур. Меҳнат жараёнида ва шахсий хаётда мақадларга эришиш Soft Skills туфайли амалга ошади. Шуни эслатиб ўтиш зарурки инсон қанча юқори мансабга эга бўлса психологик социал кўникмларнинг роли оша боради, касбий малакаси аста секин иккинчи даражали бўлиб боради. Чунки лавозим қанча юқори бўлса қўл остидаги ходимлар сони кўпайя боради, улар иш юзасидан маслаҳат беришлари мумкин. Шунинг учун Soft Skillsни хажми талабалар ва мутахассисларни ўқитиши жараёнида 70% ташкил қиласиди.¹⁸

Энди Hard skills тўғрисида сўз юритсак унинг асосий вазифаси техник кўникмаларни шакллантиришдан иборат, масалан, иш юритиш, логистика, дастурлаш, автомобильни бошқариш, ҳаво кемасини бошқариш ва ш.ў. жараёнлар.

¹⁸ Advanced Communication Skill © 2010. MTD Training & Ventus Publishing ApS. ISBN 978-87-7681-661-2.

